

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.I.18.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АЮБОВ ИЛЁС ИЛХОМОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОН ТУРИЗМ ХИЗМАТЛАР БОЗОРНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШНИНГ  
ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.17 – Туризм ва меҳмонхона фаолияти (иқтисодиёт фанлари)**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2021**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
in economic sciences**

**Аюбов Илёс Илхомович**

Ўзбекистон туризм хизматлар бозорини ривожлантиришда инвестицияларни жалб қилишнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш..... 3

**Аюбов Илёс Илхомович**

Совершенствование экономического механизма привлечения инвестиций в развитии рынка туристских услуг Узбекистана..... 27

**Ayubov Ilyos Ilkhomovich**

Improvement of the economic mechanism of attracting investments for the development of tourism services market of Uzbekistan ..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 55

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.I.18.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АЮБОВ ИЛЁС ИЛХОМОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОН ТУРИЗМ ХИЗМАТЛАР БОЗОРНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШНИНГ  
ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.17 – Туризм ва меҳмонхона фаолияти (иқтисодиёт фанлари)**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2021**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Iqt435 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида ([www.sies.uz](http://www.sies.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Сафаров Баходирхон Шахриёрович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Пардаев Мамаюнус Қаршибоевич**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Маҳкамов Бахтиёр Шухратович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Урганч давлат университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.2019.I.18.01 рақамли илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 9-уй. Тел: (998 66) 233-19-84; Факс:(998 66) 231-12-53, e-mail: [sies\\_info@edu.uz](mailto:sies_info@edu.uz).

Диссертация билан Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд ш., А.Темур кўчаси, 9-уй. Тел.: (99866)233-19-84; Факс: (998 66) 231-12-53; e-mail: [sies\\_info@edu.uz](mailto:sies_info@edu.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди (2021 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**М.Э.Пўлатов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**Н.Э.Ибадуллаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш котиби, и.ф.н., доцент

**М.М. Муҳаммедов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

## Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда туризм хизматлар бозорини ривожлантиришда инвестициялар жалб қилиш масалаларига эътиборнинг кучайиши аввало, туризмнинг кенг кўламли ва юқори даромадли фаолият тури сифатида иқтисодий аҳамиятининг ортиб бориши билан боғлиқ бўлиб, 2019 йилда унинг дунё ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) таркибидаги улуши 10% ни ташкил қилган. Бутун жаҳон туризм ташкилоти (БТТ) маълумотларига кўра, «2020 йилда дунё бўйича хорижий сайёҳлар ташрифи 2019 йилга нисбатан 74 фоизга камайган, туристик хизматлар экспортдан кўрилган зарар 1,3 триллион АҚШ долларга етган»<sup>1</sup>. Пандемиянинг таъсири туфайли жаҳон миқёсида туризм соҳаси иқтисодий инқирозга юз тутмоқда. Халқаро ва ички чегараларнинг ёпилганлиги, инсонларнинг ўз-ўзини яқкалаш режимига ўтилганлиги сабабли туризм индустриясининг ўсиш суръатлари секинлашди.

Жаҳонда туризм хизматлар бозорини ривожлантириш, туризмда коронавирус пандемияси таъсирини белгилаш ва инвестициялаш усулларини жорий этиш, иқтисодий механизмларини такомиллаштириш ҳамда унинг инвестиция муҳити жозибадорлигини ошириш йўналишларида қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу жараёнда туризм хизматлар соҳасининг ривожланиш йўналишларини белгилаш ва миллий иқтисодиётда туризмни ривожлантириш моделини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жаҳонда туризм хизматлар бозорини ривожлантиришда инвестицияларни жалб қилишга асосий тўсиқ бўлиб келаётган муаммоларни аниқлаш ва уларнинг самарали ечимларини излашга қаратилган тадқиқотларини ўтказиш ҳозирги даврда устувор йўналишлардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда туризм хизматлар бозори инфратузилмасини замонавий талаблар асосида ривожлантириб бориш ва инвестициялар ҳажми ҳамда самарадорлигини ошириш иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. «Туризмни ривожлантириш бўйича 2021 йилда ҳам изчил ислохотларни давом эттирамиз. Айниқса, зиёрат туризми ва ички туризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилади»<sup>2</sup>. Бу, ўз навбатида, туризм соҳасида ҳам инвестиция имкониятлардан мақсадли ва самарали фойдаланиш, хизмат кўрсатиш ресурслари самарадорлигини ошириш, туризмни ривожлантириш учун зарурий шарт-шароитларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларидан самарали фойдаланиш йўллари ишлаб чиқиш, туристик ахборот-логистик марказлар фаолиятдан самарали фойдаланишнинг услубий асосларини такомиллаштириш, туристик хизматлар кўрсатувчи субъектлар фаолиятини баҳолаш усулларини такомиллаштириш ва соҳа инвестиция жозибадорлигини оширишнинг истиқболлари бўйича илмий изланишларни амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлигини белгилайди.

<sup>1</sup>World tourism barometer. Volume 19. Issue 1. January 2021

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 29 декабрь 2020 йил / Халқ сўзи. 2020 йил 30 декабрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сон «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сон «Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2020 йил 28 майдаги ПФ-6002-сон «Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида» ги, 2021 йил 9 январдаги ПФ-6165-сон «Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармонлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Туризм хизматлар бозорини ривожлантиришнинг назарий-методологик масалалари И.Енджейчик, Ф.Шерер, Д.Росс, Ф.Котлер, Дж.Боуэн, Дж.Мейкенз, М.Энрайт<sup>3</sup> каби хорижлик олимларнинг илмий ишларида инвестицияларни жалб қилишнинг умумий жиҳатлари ўрганилган. МДХ мамлакатларида туризм бозорининг айрим жиҳатларига бағишланган тадқиқотларни В.И.Азар, И.Т.Балабанов, А.И.Балабанов, М.А.Жукова, Н.И.Кабушкин, М.Б.Биржаков, В.И.Никифоров, В.С.Новиковларнинг<sup>4</sup> илмий ишларида кузатиш мумкин. Ўзбекистонда туризм соҳасининг турли масалалари бўйича К.Х.Абдурахмонов, Н.Т.Тухлиев, Ғ.Х.Қудратов, М.Қ.Пардаев, И.С.Тухлиев, М.Э.Пўлатов, Ж.Р.Зайналов, М.М.Мухаммедов, И.Иватов, Д.Х.Асланова, Б.Х.Тўраев, О.Х.Хамидов, Е.В.Гольшева, А.А.Эштаев, М.Р.Болтабаев, М.Т.Алимова, И.И.Эргашев, Б.Ш.Сафаров<sup>5</sup> каби иқтисодчи олимлар илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар.

<sup>3</sup>Енджейчик И. Современный туристский бизнес. – М.: Финансы и статистика, 2003. – 320 с.; Шерер Ф., Росс Д. Структура отраслевых рынков: Пер. с англ. М.: ИНФРА-М. 1997.– 698 с.; Котлер Ф., Боуэн Дж., Мейкенз Дж. Маркетинг. Гостеприимство. Туризм: Учебник для вузов. Второе издание. - М.: ЮНИТИ - ДАНА, 2002. – 1063с.; Enright. M.J. Regional clusters and Economic Development: A research agenda // Bussiness Networks: Prospects for Regional Development, edited by U.H. Staber et al., Berlin: Walter de Gruyter, 1996, pp. 190-213.

<sup>4</sup>Азар В.И., Туманов С.Ю. Экономика туристского рынка. - М.: ИПКГ, 1998.–239 с.; Балабанов И.Т., Балабанов А.И. Экономика туризма. Учеб. Пособие. - М.: Финансы и статистика, 2003. – 176 с.; Биржаков М. Б., Никифоров В. И. Индустрия туризма: Перевозки. -СПб., 2001. – 399 с.; Жукова М.А. Менеджмент в туристском бизнесе. Учебное пособие. - М.: КНОРУС, 2006. -160с.; Кабушкин Н.И. Менеджмент туризма: Учебник. 4е изд., стереотип. Мн.: Новое знание, 2004. - 409 с.; Новиков В.С. Инновации в туризме. Учебное пособие – М.: Туризм, 2010. - 203 с.

<sup>5</sup>Абдурахмонов К.Х. Менеджмент туризма: Учебное пособие. –Т.: Филиал ФГБОУ ВПО «РЭУ им. Г.В. Плеханова» в г. Ташкенте, 2013.-248с.; Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Национальные модели развития туризма. -Т.: Гос.науч.изд-во «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2006. – 424 с.; Тухлиев И.С., Қудратов Ғ.Х., Пардаев М.Қ. Туризмни режалаштириш. Дарслик. -Т.: “Iqtisod-Moliya” нашриёти, 2010. – 238 б.; Пўлатов М.Э. Интеллектуал капитал ҳисоби ва таҳлили: назария ва амалиёт масалалари. Монография. – Т.: Иқтисодиёт, 2012. – 166 б.;Зайналов Ж.Р., Алиева С.С. Проблемы укрепления и управления финансами

Мамлакатимиз ҳудудларидаги мавжуд туристик салоҳиятдан самарали фойдаланиш, туризмни янада ривожлантириш, унинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини оширишга доир илмий тадқиқот ишлари амалга оширилган бўлса-да, уларда ҳозирги пайтдаги ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар натижасидаги ўзгаришлар, коронавирус пандемиясининг салбий оқибатларини баҳолаш, туризм соҳасини рақамли трансформациялаш ва инновацион ёндашувлар асосида инвестицияларни жалб қилишнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш каби масалалар етарлича ўз аксини топмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университети №SIRB-02-«Рақамли иқтисодиёт шароитида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини самарали ривожлантиришнинг инновацион усуллари» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режасига мос келади, ҳамда №ОТ-Ф1-61 «Ўзбекистоннинг туристик-рекреацион салоҳиятини ривожлантиришда минтақавий геоахборат тизимини шакллантириш» мавзусидаги амалий лойиҳаси билан боғлиқ ҳолда бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** туризм хизматлар бозорини ривожлантириш мақсадида инвестицияларни жалб қилишнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш бўйича таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

туризм хизматлар бозори билан боғлиқ тушунчаларнинг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини асослаш;

мамлакатимиз туризм хизматлар бозорини ривожлантиришга инвестицияларни жалб қилишни барқарор ҳамда потенциал имкониятга эга туристик дестинацияларнинг фаолиятини уйғунлаштириш усуларини такомиллаштириш;

мамлакатимиз инновацион ривожланишида туризмга инвестицияларнинг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилишнинг комплекс усули ёрдамида соҳада

---

туристических предприятий. // Biznes - Эксперт. 2019. – №8. – С. 101-106.; Мухаммедов М.М. ва бошқалар. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва туризмни ривожлантиришнинг назарий асослари. //Монография. С.:«Зарафшон» нашриёти, 2017. – 300 б.; Иватов И. Ресторанное хозяйство в туристической сфере. Учебное пособие – Т.:ТГЭУ, 1998. -131с.; Асланова Д.Х. Модели формирования туристского кластера за рубежом// «Сервис», 2013. №1, С: 4–9; Пардаев М.Қ., Атабаев Р. Туристтик ресурсларни таҳлил қилиш ва баҳолаш. -Самарқанд: СамИСИ, 2006. -137 б.;Тураев Б.Х. Организационно-экономические механизмы регионального туризма. – Т.:«Фан», 2009. – 154 с.; Хамидов О.Х. Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантиришни бошқариш механизмини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. -С.: СамИСИ, 2017. - 260 б.; Гольшева Е.В. Совершенствование организации и механизма регулирования развития туризма в рыночных условиях» дисс... канд.экон.наук. – Т.: Таш.ГЭУ, 2011. -170 с.; Эштаев А.А. Туризм индустриясини бошқаришнинг маркетинг стратегияси. – Т.: «Фан», 2011. – 280 б.; Boltabayev M.P, Tuxliyev I.S. Turizm: nazariya va amaliyot. –Т.: «Fan va texnologiya», 2018, - 400 б.; Алимова М.Т. Худудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари (Самарқанд вилояти мисолида): иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. -С.: СамИСИ, 2017. - 265 б.; Эргашев И.И. Хизмат кўрсатиш соҳасида инновацион-инвестицион жараёнларни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш: и.ф.ф.д. (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси - С., 2018. - 150 б.; Сафаров Б.Ш. Миллий туризм хизматлар бозорини инновацион ривожлантиришнинг методологик асослари // Монография. –Т.: «Фан ва технология» нашриёти, 2016. 184 б.

инвестицион фаолликни оширишнинг ташкилий-иқтисодий омиллар салоҳиятини баҳолаш;

COVID-19 пандемияси даврида, туризм хизматлар бозорини ривожлантиришда инвестицияларни жалб қилиш шарт-шароитларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизми ёрдамида туристик дестинацияларда инвестицион фаолликни баҳолаш усулини такомиллаштириш;

инвестицияларни жалб қилиш асосида туристик хизматлар кўрсатувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш усулини такомиллаштириш;

туризм хизматлар бозоридаги хўжалик юритувчи субъектларни ягона комплекс ахборот-логистик тизимига киритиш имконини берувчи марказни ташкил этиш тартибини ишлаб чиқиш;

туризм инвестицияларига солиқ юкининг таъсир қилишини ва туристик хизматлар кўрсатувчи субъектларда мавжуд солиқ тўловларининг инвестициялар ҳажмига таъсирини эконометрик моделлаштириш орқали баҳолаш;

инвестицион лойиҳаларни жалб қилишда эконометрик моделлар ёндашуви асосида Ўзбекистон Республикаси ЯИМдаги туризм ҳажмини башорат қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистон туризм хизматлар бозорида фаолият юритаётган туризм субъектлари иқтисодий фаолияти ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** туризм инфратузилмасини ривожлантириш ва соҳага инвестиция жалб этиш ҳамда улар самарадорлигини ошириш билан боғлиқ иқтисодий-ижтимоий муносабатлар тизимидан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда анализ ва синтез, абстракт-мантикий таҳлил, эконометрика, кузатиш, қиёслаш, корреляция, регрессия, статистик ва иқтисодий таҳлил усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

инвестицияларни жалб қилиш шарт-шароитларининг давлат томонидан қўллаб-қувватлаш асосида туристик корхоналар инвестиция лойиҳалари самарадорлигини баҳолаш орқали инвестицион жозибadorлигини оширишнинг такомиллаштирилган усули асосланган;

туристик хизматлар кўрсатувчи субъектларда солиқ тўловларининг инвестициялар ҳажмига таъсир даражасини баҳолашни эътиборга олган ҳолда шакллантирилган оптимал эконометрик модели асосида туристик корхонанинг инвестицияга бўлган эҳтиёжини аниқлаш таклиф этилган;

туристик салоҳиятдан самарали фойдаланиш, туристик хизматлар турларини кўпайтириш, сифати ва хизматлар экспорт ҳажмини ошириш ҳамда инвесторларни ахборот таъминоти тизимини яхшилаш мақсадида тавсия қилинган «Туристик ахборот-логистик маркази»ни ташкил этишнинг афзалликлари асосланган;

туризм хизматлар бозорини ривожлантиришда инвестицион жозибadorлигини ошириш, давлат ва хусусий бизнес ҳамкорлигини янада



мустаҳкамлаш ҳамда туристик оқим ҳажмини оширишни эътиборга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси 2021-2023 йилларга мўлжалланган ЯИМдаги туризм ҳажмининг прогноз параметрлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** куйидагилардан иборат:

туризм хизматлар бозори инфратузилмасини ривожлантириш, соҳага инвестициялар жалб қилишни давлат томонидан рағбатлантиришнинг иқтисодий механизми ва туризм субъектларининг инвестиция самарадорлигини баҳолаш тартибини такомиллаштириш асосида туристик дестинацияларда инвестицияларни жалб қилишнинг инновацион ривожланиш йўналишлари тавсия қилинган;

туризм инвестицияларига солиқ юкининг таъсир қилишини баҳолаш тартиби ва ёндашувлари асосланган ҳолда туристик хизматлар кўрсатувчи субъектларда мавжуд солиқ тўловларининг инвестициялар ҳажмига таъсирини баҳолашнинг эконометрик моделлаштириш усули ишлаб чиқилган;

туризм хизматлар бозори субъектлари ва инвесторлар учун ягона комплекс ахборот-логистик тизимини шакллантириш мақсадида «Туристтик ахборот-логистик марказлари»ни ташкил этиш таклиф қилинди ва унинг аҳамияти илмий жиҳатдан асосланган;

туризмни миллий иқтисодиётнинг стратегик сектори сифатида ривожлантириш мақсадидан келиб чиқиб, соҳани ривожлантиришнинг ўрта муддатли башорат кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотда қўлланилган методологик ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, ахборотлар базаси расмий манбаларидан, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш ҳамда Давлат статистика қўмиталари расмий маълумотлари манбаларидан олингани, тегишли хулоса ва таклифлар амалда синовдан ўтказилганлиги, натижалар ваколатли давлат органлари томонидан маъқулланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда ишлаб чиқилган назарий ва методологик-услубий асослар Ўзбекистонда туризм хизматлар бозорини ривожлантиришда инвестицияларни жалб қилишнинг иқтисодий механизмининг такомиллаштиришга, миллий туризм маҳсулотининг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини оширишга ҳамда таҳлил қилишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ишлаб чиқилган таклифлар ва амалий тавсиялардан республикада туризм хизматлар бозорини ривожлантиришда инвестицияларни жалб қилишнинг иқтисодий механизмининг такомиллаштиришга, тармоқни ривожлантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни, ҳудудлардаги туристик фаолият билан шуғулланувчи муассасалар фаолиятини такомиллаштиришга доир тадбирларни ишлаб чиқишда, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни бажариш юзасидан чора-

тадбирларни ишлаб чиқишга муайян даражада хизмат қилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистонда туризм хизматлар бозорини ривожлантиришда инвестицияларни жалб қилишнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

инвестицияларни жалб қилиш шарт-шароитларининг давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, туризм соҳасига инвестицияларни мақсадли йўналтириш ва хизмат кўрсатиш ресурсларидан натижадор фойдаланиш асосида туристик корхоналар самарадорлигини оширишнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитаси фаолиятига жорий қилинган (Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитасининг 2020 йил 20 октябрдаги 02-16/4911-сонли далолатномаси). Мазкур иқтисодий механизм ва баҳолаш тартибини амалиётга жорий этиш натижасида туристик дестинацияларда инвестицияларни жалб қилиш бўйича чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш имкони яратилган;

туристик хизматлар кўрсатувчи субъектларда мавжуд солиқ тўловларининг инвестициялар ҳажмига таъсир даражасини баҳолашни эътиборга олган ҳолда оптимал эконометрик моделини қўллаш бўйича амалий усули Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитаси фаолиятига жорий қилинган (Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитасининг 2020 йил 20 октябрдаги 02-16/4911-сонли далолатномаси). Мазкур таклифларнинг амалиётга жорий этилиши натижасида мамлакатимизнинг туристик салоҳиятини эконометрик кўрсаткичлар орқали ҳисоблаш натижасида туризм соҳасида инвестицияларни жалб қилишнинг иқтисодий механизми такомиллаштирилган ва ҳисоб-китобларнинг аниқлик даражаси ошган;

туристик салоҳиятдан самарали фойдаланиш, туристик хизматлар турларини кўпайтириш, сифати ва хизматлар экспорт ҳажмини ошириш бўйича инвестицион лойиҳаларни жалб қилишда «Туристик ахборот-логистик маркази»ни ташкил этиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитаси фаолиятига жорий қилинган (Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитасининг 2020 йил 20 октябрдаги 02-16/4911-сонли далолатномаси). Мазкур таклифларнинг амалиётга жорий этилиши натижасида мамлакатимизда янги туристик хизматлар турларини кўпайтириш имкониятлари ортган;

Ўзбекистон Республикасида ЯИМдаги туризм ҳажмини, туристик экспортнинг ҳажмини ҳамда меҳмонхона ва анъанавий жойлаштириш воситалари сонини ошишини жадаллаштирувчи таъсирини баҳолаш асосида ўрта муддатли прогнозлаш бўйича олинган илмий тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитаси фаолиятида қўлланилган (Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитасининг 2020 йил 20 октябрдаги 02-16/4911-сонли далолатномаси). Натижада прогноз кўрсаткичларидан фойдаланиш мамлакатимизда туризм соҳаси

хизматларини, экспорт ҳажмини ҳамда меҳмонхона ва анъанавий жойлаштириш воситалари сонини кейинги уч йил мобайнида COVID-19 пандемияси ва инқироз давридан олдинги кўрсаткичларга етказиш йўналишлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро илмий-амалий анжуманда ва 6 та республика илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация иши мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш, жумладан, 1 та (хаммуаллифликда) дарслик, 1 та ўқув қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, шундан 5 та республика ва 3 та хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 153 бетни ташкил этди.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган илмий тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Туризм хизматлар бозорини ривожлантиришда инвестицияларни жалб қилишнинг методологик-услубий асосларини такомиллаштириш**» масалаларига бағишланган. Мазкур бобда туризм хизматлар бозори билан боғлиқ тушунчаларининг ижтимоий-иқтисодий мазмуни ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари, туризм хизматлар бозорини ривожлантиришда иқтисодий механизмини такомиллаштириш ва инвестицион жозибадорлигини ошириш масалалари ҳамда мамлакатимиз туризм хизматлар бозорида инвестицион муҳитнинг ҳолати ва уларнинг мамлакатимиз амалиётида жорий этилиши тадқиқ қилинган.

Жаҳон хўжалигининг глобаллашуви ва интеграциялашуви кучайиб бораётган бир даврда «туризм хизматлар бозори», «инвестиция» ва «туризм хизматлар бозорида инвестицион жозибадорлик» тушунчаларининг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини тўғри талқин этиш ва унинг мазмунини ўзлаштириш ҳам назарий, ҳам амалий аҳамият касб этади. Бугунги кунда хорижий ва республикамиз олимлари томонидан туризм хизматлар бозорини тадқиқ қилиш бўйича қатор илмий изланишлар олиб борилган. Ушбу қарашларни назарий жиҳатдан таҳлил қилиб, бугунги кун талабидан келиб

чикиб, юқорида қайт этилган тушунчаларни қуйидагича изоҳлашни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

Диссертация ишида, туризм хизматлар бозори – бу туризм хизмати, маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар билан унга талаби бўлган истеъмолчилар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар ҳамда туристик истеъмолчиларга маҳсулотларни сунъий тўсиқларсиз етиб боришини таъминлайдиган эркин майдон, деб таъриф этилган.

Диссертация ишининг мақсадини белгилаб олишда инвестиция ва инвестиция стратегияси тушунчаларини таърифлаш муҳим эканлиги асослаб берилган. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 декабрдаги «Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонунида инвестицияга қуйидагича таъриф берилган: «*инвестициялар* – инвестор томонидан фойда олиш мақсадида ижтимоий соҳа, тадбиркорлик, илмий ва бошқа фаолият турлари объектларига таваккалчиликлар асосида киритиладиган моддий ва номоддий бойликлар ҳамда уларга бўлган ҳуқуқлар, шу жумладан, интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқлар, шунингдек, реинвестициялар»<sup>6</sup> сифатида таърифланади. Тадқиқот ишида инвестиция тушунчасининг қуйидаги таърифини таклиф қилдик – кенг маънода инвестициялар келгусида уни кўпайтириш мақсадида киритилган мавсумийлик билан хавф-хатарларни бартараф эта оладиган, инфляция натижасида йўқотилиши мумкин бўлган маблағларни қоплай оладиган капитал қўйилмалардир. Бунда капиталнинг кўпайиши инвестор томонидан йўналтирилган маблағларнинг унинг жорий истеъмол харажатларини маълум давр мобайнида қоплаш даражасида бўлиши, муайян вақт давомида кутилаётган натижаларни олиши керак, деб ҳисоблаймиз.

Тадқиқот жараёнида инвестицион стратегия тушунчасининг таърифини беришимизга тўғри келди. Бизнингча, асосий капиталга йўналтирилган инвестицияларга татбиқ этиш мумкинлиги нуқтаи назаридан корхонанинг инвестицион стратегияси унинг узоқ муддатли мўлжали, иқтисодий тафаккурини ифодалайди ва корхонанинг асосий фондларини шакллантиришга йўналтирилади. Тадқиқот ишимизда биз инвестиция стратегиясининг айнан шу таърифидан кенг фойдаландик.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, халқаро муносабатларда муҳим услубий тушунча туризм хизматлар бозорида инвестицион муҳит, унинг таркибий элементи эса инвестицион потенциал, инвестицион хатарлар, инвестицион жозибадорлик ва инвестицион фаолликдан иборат. Туристик дестинациянинг инвестицион муҳити йиллар мобайнида шаклланган ижтимоий-иқтисодий, экологик, сиёсий ва бошқа шарт-шароитлар бўлиб, асосий капиталга инвестициялар жалб қилишнинг миқёси (ҳажми ва суръати)ни белгилаб беради. Туризм хизматлар бозорини ривожлантиришда инвестицион муҳит иккита таркибий қисмдан иборат бўлади: туристик дестинациянинг инвестицион жозибадорлиги ва инвестицион фаоллиги. Туристик дестинациянинг *инвестицион*

---

<sup>6</sup>Ўзбекистон Республикасининг «Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, 2019 йил 25 декабрь. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.12.2019 й., 03/19/598/4221-сон.

*жозибадорлиги* – ҳудуд иқтисодиётига жалб қилиниши мумкин бўлган капитал қўйилмалар ҳажми бўлиб, у инвестицион салоҳият ва ундаги инвестицион хатарга боғлиқ бўлади<sup>7</sup>.

Фикримизча, туризм хизматлар бозорини ривожлантиришда *инвестицион фаоллик* – туристик дестинация иқтисодиётига инвестициялар жалб қилишнинг ўзига хос бўлган омилларини жадаллаштирадиган фаолият туридир.

Туристтик дестинациянинг инвестицион салоҳияти – ҳудудга барча молиялаштириш манбалари (ички ва ташқи) ҳисобидан ундаги инвестицион фаолликни шакллантирувчи турли табиий, иқтисодий, ижтимоий ресурслар, ҳудуднинг географик жойлашув хусусиятига боғлиқ ҳолда жалб қилинган инвестициялар ҳажмидир<sup>8</sup>.

Бизнингча, туризм хизматлар бозорини ривожлантиришда инвестицион жозибадорлик – бу инвестицияларнинг хавф-хатарлигини ҳисобга олган ҳолда фойда олиш имконияти ҳақида хулоса чиқаришга имкон берувчи омиллар мажмуидир. Туризм хизматлар бозорини ривожлантиришда инвестицион жозибадорлик миллий, ҳудуд, шаҳар ва ташкилот даражасида баҳоланади.

Туризм хизматлар бозорини ривожлантиришда инвестицион жозибадорликни ошириш механизмлари асосий элементлари бўлиб, қуйидагилар ҳисобланади: инновацион жиҳатдан фаол бўлган турфирмаларга солиқ имтиёзлари орқали рағбатлантириш; иқтисодий муносабатларни тартибли амалга ошириш; давлат томонидан туризм соҳасига инвестицияларни жалб қилишни самарали бошқариш учун шарт-шароитларни яратиш; амортизация ажратмаларини тартиблаштиришини такомиллаштириш.

Ҳудудларнинг туризм хизматлар бозорини ривожлантиришда инвестицион муҳитнинг аниқ баҳоланиши натижасида, хорижий инвесторларни жалб қилиш, янги иш ўринлари яратишга ва туристик маҳсулотнинг реализацияси ўз навбатида молиявий фойдани оширишга олиб келади. Олинган даромаднинг бир қисми солиқ сифатида давлат бюджетига келиб тушади. Бу эса, туризм инфратузилмасини янада ривожлантиришга, кам таъминланган аҳоли эҳтиёжларига, туристик хизматлар соҳасидаги кадрларни тайёрлаш орқали янги иш ўринларини яратишга сарф қилиниши аниқланди.

Муаллиф, диссертацияда ривожланган хорижий давлатлар тажрибаси, туризм хизматлар бозорини ривожлантиришда инвестицияларни жалб қилишнинг методологик-услубий асосларини такомиллаштириши бўйича кенг миқёсда тадқиқ қилинган.

Диссертациянинг **«Туризм хизматлар бозорини ривожлантиришда инвестицияларни жалб қилиш ҳолати ва самарадорлигининг таҳлили»** иккинчи бобида мамлакатимиз туризм хизматлар бозорини

<sup>7</sup>[http://edu.dvgups.ru/metdoc/cgu/sots\\_kult.htm](http://edu.dvgups.ru/metdoc/cgu/sots_kult.htm)

<sup>8</sup>Ултургашева О.Г. Экономическая сущность и структура инвестиционного потенциала региона. Проблемы современной экономики. Журнал. – С-Тб.: 2011 г. №1(37). 227-229 с.

ривожлантиришда инвестицияларни жалб қилишнинг ҳозирги ҳолатининг таҳлили, туризм хизматлар бозорини ривожлантиришда инвестицияларни жалб қилиш шарт-шароитларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватлаш иқтисодий механизми, туризм хизматлар бозоридаги туристик корхоналарда инвестициялар самарадорлигини баҳолаш ҳамда туризм соҳасида инвестицияларга таъсир этувчи омиллар даражасини баҳолаш усуллари таҳлил қилинган.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантириш учун 2020 йил давомида барча молиялаштириш манбалар ҳисобидан асосий капиталга 202,0 трлн. сўм инвестициялар киритилган. Асосий капиталга киритилган инвестициялар динамикаси 1995 йилда 88,9 млрд. сўм, 2000 йилда 744,5 млрд. сўм, 2005 йилда 3,1 трлн. сўм, 2010 йилда 16,4 трлн. сўм, 2015 йилда 44,8 трлн. сўм ва 2020 йилда 202,0 трлн. сўмга етган. 2019 йилда асосий капиталга киритилган инвестициялар ЯИМнинг 34,8 % ташкил қилган.

Ўзбекистонда инвестицион муҳитни яхшилаш ва жозибadorлигини ошириш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида, 2020 йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми 28740,5 млрд. сўмни ташкил қилган.

Хизматлар соҳасида асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг умумий ҳажмида ташиш ва сақлаш (17,3 %), савдо (15,5 %), соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар (9,7 %), таълим (9,4 %), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (10,3 %), шунингдек, ахборот ва алоқа (8,7 %) улуши устунлик қилади. Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар меҳмонхоналар, отеллар, мотеллар ва бошқа яшаш учун жойлар каби қисқа муддатли турар жой билан таъминлаш ва озик-овқат маҳсулотлари ва ичимликлар етказиб бериш бўйича кўрсатилган хизматларни ўз ичига олади. 2020 йилда, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг улуши 2019 йилга нисбатан 13,5 % камайди. Бунга сабаб COVID-19 пандемиясининг таъсири.

Маълумки, 2019 йилда Ўзбекистонга йўналтирилган 9,8 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги бевосита ва бошқа хорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилган бўлиб, унинг умумий инвестициялардаги ҳажми 45,7 % ни ташкил этган. Пандемия даврдан олдинги кўрсаткичлари бўйича, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг атиги 3% туризмга тўғри келади, тўғридан-тўғри инвестициялар эса Foreign Direct Investments Markets (FDI) маълумотларига кўра 1% га ҳам етмайди<sup>9</sup>. 2019 йил Ўзбекистонда битта туристга сарфланган капитал инвестициялар миқдори тахминан 150 АҚШ долларини ташкил этган. Туркияда ушбу кўрсаткич деярли 5 баровар кўплигини кўрсатмоқда<sup>10</sup>. Бугунги кунда Ўзбекистонда туризм соҳасини тубдан ислоҳ қилиш жараёни йўлга қўйилган бўлиб, унинг асосий мақсади туризмни миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг стратегик тармоғига айлантириш, туризм хизматлар бозорини ривожлантиришда

<sup>9</sup>uzdaily.uz/ru/post/41630

<sup>10</sup><https://wttc.org>

инвестицияларни жалб қилиш, диверсификациялаш жараёнини таъминлаш ва ҳудудларнинг иқтисодий ривожланишига эришишдан иборат.

Жорий ҳолатни таҳлил қилиш шуни кўрсатмоқдаки, туризмнинг асосий кўрсаткичларининг ижобий динамикаси кузатилмоқда. 2019 йилда туризмнинг ЯИМдаги улуши 2018 йилга нисбатан 18 % га ўсиб 12294,3 млрд. сўмга етди. Ушбу рақамлар соҳада ўтказилган ислоҳотларнинг самарали эканлигидан далолат бермоқда. Ҳукумат томонидан, 2025 йилда туризм индустриясининг мамлакат иқтисодиётидаги улушини 5% етказиш кўзда тутилмоқда.


Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган туб ўзгаришлар натижасида 2007 йилдан 2019 йилгача бўлган даврда туризм соҳасига сарфланган давлат харажатлари 15 маротаба ортиб, 68,8 млрд. сўмни ташкил қилганлиги бунинг исботидир. 2019 йилда туризм соҳасига капитал қўйилмалар ҳажми 2125,8 млрд. сўмдан ортиб, бу 2007 йилга нисбатан 15 маротаба кўп демакдир. Бугунги кунда транспорт ва туризм инфратузилмаси, шу жумладан, ахборот технологиялари, ходимларни ўқитиш ҳамда ҳудудлар маркетинг ҳам инвестицияларга муҳтож. БТТ маълумотида кўра, капитал қўйилмалар ҳажмининг ортиб бориши, бошқа мақсадларда ҳудудларда туристларни жалб қилиш кўзда тутилмаган ҳудудлар учун жуда муҳим бўлиб, самарали ва сердаромад стратегия бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасига инвестицияларни жалб қилишни фаоллаштириш учун инвесторлар учун ер ресурслари ва туристик инфратузилмадан фойдаланиш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш борасида давлат хусусий сектор ҳамкорлигининг содда ва тушунарли моделини белгилаб олиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Шу боис, туризм қонунчилиги соҳасида давлатнинг олдида турган асосий масалалар фаолият соҳасининг ҳуқуқий ва меъёрий асосларини такомиллаштиришдан иборатдир.

Туризм хизматлар бозорини ривожлантиришда инвестицияларни жалб қилиш шарт-шароитларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватлаш иқтисодий механизми, бизнинг фикримизча, маданий-тарихий ва табиий экологик муҳитни сақлаб қолиш йўналишида мамлакатнинг туристик ресурсларидан самарали фойдаланиш имконини берувчи бошқарув тамойиллари ва функциялари, ташкилий шакллар ва усуллар мажмуидан иборат бўлади. Туризм хизматлар бозорини ривожлантиришда инвестицион сиёсатни амалга ошириш учун бунга имкон берадиган механизмни шакллантириш мақсадга мувофиқдир (1-расмга қаранг).

Туризм хизматлар бозорини ривожлантиришда инвестицияларни тартибга солишнинг иқтисодий механизми аввало, хизмат кўрсатишни кенгайтиришнинг қўшимча захираларини яратишга қаратилади. Туризм хизматлар бозорини ривожлантиришда инвестицияларни тартибга солишнинг иқтисодий механизми субъектларнинг фаолиятига оид қарорлар қабул қилишга таъсир кўрсатади.

2020 йилда Ўзбекистонга ташриф буюрган хорижий сайёҳларнинг сони 1,5 млн. кишини ташкил қилди. Кўрсатилган туристик хизматларининг ҳажми эса 261 млн. долларни ташкил этди. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан 2021 йилда коронавирус пандемиясининг бўлажак иқтисодий таъсири баҳоланди, унга кўра, хорижий сайёҳларнинг сонини 1,7 млн. кишига кўпайтириш, туризм экспортни 370 млн. АҚШ долларига етказиш белгиланди.



**1-расм. Туризм хизматлар бозорини ривожлантиришда инвестицияларни тартибга солишнинг иқтисодий механизми<sup>11</sup>**

<sup>11</sup>Муаллиф томонидан тайёрланган.



Шу муносабат билан туризм соҳасидаги инқирозли вазиятни бартараф этиш учун мазкур тадқиқот ишида туризм фаолиятини давлат томонидан тартибга солишга қаратилган қуйидаги иқтисодий механизм ишлаб чиқилди ва тавсия қилинди (2-расмга қаранг).



**2-расм. Туризм соҳасидаги инқирозли вазиятни бартараф этиш учун давлат томонидан тартибга солишга қаратилган иқтисодий механизм<sup>12</sup>**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари асосида пандемия шароитида ноқулай вазиятга тушиб қолган туризм соҳасидаги тадбиркорлик билан шуғулланувчи субъектларни қўллаб-қувватлаш, соҳада бандлик ва иқтисодий фаолликни таъминлашга қаратилган муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга мамлакатнинг туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш ва тикланишини рағбатлантириш учун хорижий тажрибалардан келиб чиққан ҳолда қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

бюджет ташкилотлари ходимларини тўлов ҳамда маълум шартлар (жойлаштириш воситаларидан фойдаланиши, реклама хизматлари) асосида ички туризмга жалб қилиш;

меҳмонхона ва бошқа жойлаштириш воситаларида яшашни рағбатлантиришга қаратилган иқтисодий механизмларни (турли акциялар


<sup>12</sup>Муаллиф томонидан тайёрланган.

ташқил қилиш, диққатга сазовор жойларни бепул томоша қилиш, ёш болалар ва муайян муддат (икки, тўрт ва ундан ортиқ кун) яшаганлик учун бепул кунлар ташқил қилиш) жорий қилиш;

барқарор эпидемиологик вазиятли мамлакатлар бўйлаб чиқувчи туризмни босқичма-босқич ташқил қилиш ва эпидемиологик вазиятни баҳолашга қаратилган ички баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш.

Ушбу механизм макро даражада молиявий ва меҳнат ресурслари янги қонунчилик асосида қайта тақсимланиш натижасида инфратузилма, яъни меҳмонхона, транспорт, овқатланиш хизматлари ва бошқа туристик фаолиятни ривожлантириш учун йўналтирилади. Инфратузилманинг ривожланганлик даражаси эса туризм соҳасининг инвестициявий жозибадорлигини таъминлайди.

Шу туфайли, биз таклиф қилган туристик корхоналар бошқарув самарадорлигини оширишда инвестицияларни жалб қилишнинг иқтисодий механизмини, ҳудудларда туризм ривожланишини рағбатлантириш механизмлари ёрдамида ягона ахборот муҳитини ташқил қилиш орқали туристик хизматларнинг барқарор юқори сифатини ва рақобатбардошлигини таъминлаш, давлат ва хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида ўзаро манфаатли алоқаларни йўлга қўйиш, туристик фирма ходимларини ўқитиш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш ва уларга қўйиладиган талабларни белгилаш, хизмат кўрсатиш стандартларини ишлаб чиқиш, сифат менежменти тизимларини жорий этиш ва рағбатлантириш мумкин бўлади (3-расмга қаранг).



**3-расм. Туристик корхоналар бошқарув самарадорлигини оширишда инвестицияларни жалб қилишнинг иқтисодий механизми<sup>13</sup>**

Таклиф қилинган воситалар ҳудудларда туризм ривожланишни бошқаришнинг муҳим бозор механизми вазифасини бажаради ва ҳудудларда ишлаб чиқарувчилар ҳамда турмаҳсулот истеъмолчилари учун ҳам манфаатли

<sup>13</sup>Муаллиф томонидан тайёрланган.

бўлган туризмни барқарор ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Туризм соҳасига нисбатан инвестицион қарорларни қабул қилиш, айниқса, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш муҳим омиллардан ҳисобланади. Самарали ташкил қилинган инвестиция оқими мамлакат иқтисодиётида муҳим макроиқтисодий функцияни бажаради. Бунинг учун мамлакатда инвестицион жараёнларни ташкил этишда солиқларни мунтазам равишда ортиб бориш тенденциясини таҳлил қилиш лозим бўлади. Кўпгина туристик корхоналар солиқ тизимига киритилаётган ўзгаришларга тезда мослаша олмаяпти, давлат органлари эса солиқ ставкаларини ўзгариши натижасида тушумларнинг камайиб кетишига гувоҳ бўлмоқдалар.

Оптималь солиқ ставкалари орқали солиқ юкини таъсир этиш даражасини баҳолаш<sup>14</sup> - биринчидан, алоҳида туристик корхона ёки макроиқтисодий даражасида чиқилиши мумкин. Диссертация ишида бундай баҳолашни интеграллашган кўрсаткичлар асосида ишлаб чиқилиш зарурлигига урғу берилган. Бу ўзига хос интеграллашган кўрсаткичлар ўтмишга қаратилган макро ёки микро ёндашувларда ўз аксини топади. Иккинчидан, оптималь солиқ ставкаларини ҳисоблашга тегишлидир, яъни солиқ юкининг келгусидаги инвестицион лойиҳаларга уларнинг амал қилиш муддати давридаги таъсирини баҳолашга қаратилган ёндашувдир. Ушбу ёндашув инвесторнинг келгусидаги хулқ-атворини баҳолашга қаратилганлиги боис, диссертация ишида, у истиқболга йўналтирилган ёндашув деб эътироф этилиши асосланди.

Тадқиқот ишининг мақсадидан келиб чиқиб, туризм соҳасида инвестицияларга солиқ юкининг таъсир даражасини баҳолашда Кинг ва Фуллертонлар<sup>15</sup> томонидан таклиф қилинган ҳамда инвестицион лойиҳаларни баҳолашда оптималь солиқ ставкаларини ҳисоблаб чиқишга қаратилган тадқиқотлардан кенг фойдаланилди.

Диссертацияда турли омиллар комбинацияси билан фарқ қилувчи чегаравий инвестиция лойиҳаларининг солиқ юки таҳлил қилинди ва ҳисоблаб чиқилди. Бунинг учун қуйидаги элементлар танлаб олинди: 1) активлар (бино-иншоотлар, машина-ускуналар, компьютерлар); 2) тармоқ (туризм); 3) жамғарувчи; 4) молиялаштириш тури (банк кредити, қимматли қоғозлар ва уларни жойлаштириш, тақсимланмаган фойда, айланма капитални молиялаштириш).

Юқоридагиларга таянган ҳолда, тадқиқот ишида туристик корхоналарини инвестиция лойиҳа қийматини математик модел орқали ифодалаш мумкин бўлади<sup>16</sup>:

$$V = \int_0^{\infty} (1 - \tau)MRRe^{-(r+\delta-\pi)t} dt \quad (1)$$

<sup>14</sup> Перспективы налоговой политики. Существует ли «идеальная налоговая система» для России? / М. В. Алексеев и др.—М.: Издательский дом «Дело» РАНХиГС, 2019.—126 с.

<sup>15</sup> A.Andrejovska, V.Konecna. Capital Placement in the Context of Effective Corporate Taxation in the V4 Countries. Montenegrin Journal of Economics. Vol. 16, No. 1 (2020), 227-239.

<sup>16</sup> Манба: Кинг ва Фуллертонлар математик модели муаллиф тадқиқотлари асосида такомиллаштирилган.

Бунда,  $V$  — лойиҳанинг қиймати,  $\tau$  — фойда солиғи ставкаси,  $\pi$  – инфляция сурати,  $MRR$  – реал чегаравий қиймат деб ифодалаймиз.

Самарқанд шаҳрида фаолият юритаётган 25 та туристик ташкилотларнинг туризм соҳасида инвестицияларга солиқ юкининг таъсир даражасини баҳолаш жараёнлари ўтказилди. Масалан, ўтказилган таҳлил натижаларига асосан, 2020 йил «Нодир Самарқанд» туристик корхонасида мавжуд солиқ ставкалари қиймати 1-тенгламага қўйилган ҳолда киритилган инвестиция реал чегаравий қиймат 100 миллион сўм бўлиши белгиланди ва натижада 2020 йилда инвестиция лойиҳаси қиймати 1,75 млрд. сўм ташкил қилиши аниқланди.

Таҳлил натижасида, ҳудуднинг хорижий инвестицияга бўлган эҳтиёжи ва имконияти ҳақида етарли маълумотларга эга бўлиш, қулай солиқ, туризм инфратузилмасини ривожлантириш сиёсатини олиб бориш, кафолат механизмларининг ишлаб чиқиши ҳамда ривожланган инвестиция тузилмаларини яратиш-ҳудудларга хорижий инвестициялар жалб қилишга қаратилган асосий вазифалар белгиланди.

Диссертациянинг учинчи боби «**Туризм хизматлар бозорини ривожлантиришда инвестицияларни жалб қилишнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш йўллари**»га бағишланган. Ушбу бобда туризм хизматлар бозорини ривожлантиришда инвестицион лойиҳаларни жалб қилишга «Туристтик ахборот логистик маркази» инновацион моделининг афзаллик жиҳатлари асослаб берилган, солиқ тўловларининг туризм соҳасида инвестициялар ҳажмига таъсирини эконометрик модели тадқиқ қилинган ҳамда Ўзбекистон Республикасида ЯИМдаги туризм ҳажмини истиқбол кўрсаткичлари ишлаб чиқилган ва илмий асосланган.

Туризмда логистик тизимларни мувофиқлаштириш мақсадида ва туризм хизматлар бозоридаги хўжалик юритувчи субъектларни ягона комплекс ахборот-логистик тизимга киритиш имконини берувчи муаллиф томонидан логистик тизим бўғинлари ва оқимларни тизим ичида ҳаракатланишини ва ташқи муҳит билан алоқасини яхлит тасвирлашга хизмат қилувчи туризмда логистик тизимларни бошқариш моделини ташкил этиш тартиби ишлаб чиқилган.

Ушбу туристик ахборот-логистик маркази (ТАЛМ) – минтақавий туристик хизматлар бозорида туристик бизнес жараёнлар соҳасида ахборот-логистик ва консалтинг хизматлари кўрсатувчи, туризм индустриясининг асосий ташкилий-функционал бирлиги, режалаштириш жараёнларини қўллаб-қувватловчи, мижозларга туристик хизматларни ташкил қилиш ва туризм соҳасига оид ахборотлар таклиф қилиш ҳамда жойлаштириш, транспорт корхоналари, овқатланиш ва бошқа хизмат кўрсатувчиларни ахборот платформасида жараён сифатида тасвирлашга имкон берувчи марказ хисобланади.

Ишлаб чиқилган ТАЛМ моделида логистиканинг функционал соҳалари бўлган ахборот таъминоти, турмаҳсулотнинг мажмуавийлигини таъминлаш, уни сотиш жараёни умумий ахборот компьютер платформасида интеграциялашади, натижада логистик тизим бўғинлари ва логистика

талабларига мувофиқ хизмат кўрсатиш алоқасини таъминлашда ахборот оқимларини шакллантириш ва ундан фойдаланиш жараёнини жадаллаштириш имкониятини беради.

